

“Кармана овози” газетаси таҳририяти кутубхонасидан



Туташ Туйғулар



Карманалик ижодкорлар

баёзи



ТОШКЕНТ
2013

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ўзб)7
Т-66

Туташ туйғулар: Карманалик ижодкорлар баёзи/На-
шрга тайёрловчилар: Отабек Аслонов, Одил Ҳасанов. –Т.:
Янги аср авлоди, 2013. –286 б.

ISBN 978-9943-27-014-5

Буюк Ипак Йўли чорраҳаларида жойлашган Кармана сўлим
диёримизнинг нузли масканларидан биридир. Азиз авлиёлар,
алломаю донишмандларга бешик бўлган бу қадимий ва на-
вқирон шаҳар Мустақиллик саодатидан баҳраманд бўлиб, ёруф
келажак сари дадил одимламоқда.

Карманалик ижодкорлар асарларидан ташкил топган «Кар-
мана овози» газетаси таҳририяти кутубхонасидан чоп этила-
ётган ушбу мажмуа ўтли туйғуларингизга ҳамоҳанг бўлиши
шубҳасиздир.

УЎК 821.512.133-1
КБК 84(5Ўзб)7

Масъул муҳаррир:
Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

Нашрга тайёрловчилар:
Одил ҲОТАМОВ,
Отабек АСЛОНОВ

ISBN 978-9943-27-014-5

© «Туташ туйғулар: карманалик ижодкорлар баёзи». «Янги
аср авлоди», 2013 йил.

КАРМАНА – ИЖОДКОРЛАР БЕШИГИ

Адабиёт жамият маънавий-маърифий ҳаётининг ўзига хос кўзгуси, ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим омилидир.

Мустақиллик йилларида адабиётимизга муносабат тубдан ўзгарди. Дадил айтиш мумкинки, янгиликлар фидо қилган, келажакка ўтқир нигоҳ ташлайдиган янги авлод шаклланди. Бугунги баркамол авлод Аҳмад Ясавий, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий асарларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Ёшларимизнинг келажакдаги руҳий, маънавий оламини озиқлантирадиган улкан ва беқиёс бадиий меросимиз борлиги қалбимизни янада ғурурлантиради.

Не бахтки, Алишер Навоий ҳазратларининг бемисл ижодий мероси биз учун юксак маънавият мактаби сифатида эъзозланади, қадрланади. Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда мустақиллик эълон қилинмасдан аввал 1991 йил – Алишер Навоий йили деб номланган эди.

Биз навоийликларни улуғ мутафаккир шоир номи билан аталадиган қадимий ва навқирон вилоятда яшаётганлигимиз ҳамиша фахру ғуруримизни оширади.

Кармана ана шу вилоятнинг кўп минг асрлик тарихга эга бўлган мўътабар туманларидан биридир. Милoddan аввалги Бурқут тепалиги қолдиқлари, Маликработ дарвозаси, ҳудуддаги яккаю-ягона Сардоба, Ҳазорадаги Мавлоно Ориф Деггароний, Қосимшайх Азизон ёдгорлик мажмуалари, Хўжа Хисрав,

Шайх Нуриддин зиёратгоҳлари бу қадим диёрнинг неча минг йиллик тарихидан ҳикоя қилади. Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида «Карманада шоирлар ва адиблар кўп бўлган», дея таъриф берилганлиги бугунгача ўзининг аҳамиятини ва нуфузини йўқотгани йўқ.

Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музакирул аҳбоб» тарихий-библиографик асари эса тўлигинча Кармана адабий муҳитига бағишланганлиги бу борадаги фикрларимизга янада ойдинлаштиради.

Карманалик таниқли шоир ва таржимон Вафо Файзуллоҳнинг 2012 йилда Тошкентдаги «Муҳаррир» нашриётида чоп этилган «Чақмоқ ёруғи» китобида қайд этилган Кармана адабий муҳитининг қадим замонлардан ҳозиргача бўлган таҳлилини ажойиб тадқиқот сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, Кармана муфассирлар, муҳаддислар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, шоиру-шуаролар бешиги бўлган. Заҳматкаш инсонлар – Аҳтам Ҳотамов (раҳматли) ва Шўхрат Халиловларнинг Кармана тарихига бағишланган «Йиллар садоси» (1994 йил) китоби маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлган эди.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Адабиётга эътибор маънавиятга, келажакка эътибордир» рисоласида адабиётнинг умуммиллий, умумбашарий жиҳатлари тўла-тўқис очиб берилган. «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарлари эса том маънода маънавиятимиз илдизларини ўзида ифода этган китоб сифатида бугун маънавий ҳаётимизда дастуриламал бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Президентимизнинг эътиборлари ва ғамхўрликлари туфайли қадимий Кармананинг қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Кенг ва равон кўчалар, муҳташам бинолар янги замон нафаси билан яшаётган, янгича тафаккур билан дадил қадам ташлаётган баркамол авлодлар тақдирида келажак тимсоли бўлиб ифодаланади.

Республикамиз пойтахтида яшаб ижод қилаётган Сулаймон Раҳмон, Ашурали Жўраев, Жалолиддин Сафоев, Вафо Файзуллоҳ, Барнобек Эшпўлатов, Бектемир Пирнафасов, Назира Йўлдошева, Ибодат Сотова, Шоира Рауфбоева сингари адиблар, шоирлар, таржимонлар, журналистлар ҳаққоний маънода Кармана адабий муҳитида илк сабоқларини олиб, Ватанамиз адабиётини юксалтиришга, маънавиятимизни бойитишга хизмат қилаётганидан беҳад мамнунмиз.

Салима Умарова, Одил Ҳотамов, Худойберди Пўлатов, Холбиби Сафарова, Шойим Шерназар, Иброҳим Ҳошимов, Отабек Аслонов, Руслан Сабуров, Зулфия Бобоева, Азамат Зарипов сингари ижодкорларимизни нафақат туманамиз, вилоятимизда, балки республикамизда ҳам яхши танишади. Уларнинг китоблари, рисоалари бугун ўз ўқувчиларини топиб улгурган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Раъно Мусоева, Нуруллоҳ Очиллов, Исмат Ҳамроевлардек меҳнат фахрийларининг шеърий ва насрий китоблари ҳам маънавиятимиз хазинасини бойитаяпти.

Туман ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган «Кармана овози» газетаси таҳририяти ҳадемай ўзининг 85 ёшини қаршилайти. Шу ўринда, газета ўзининг кўп йиллик тарихи давомида ижодкорлар учун бешик бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. Таҳририят ҳузуридаги «Чашма» адабий тўғараги машғулотларидан ўнлаб, юзлаб ёшлар баҳраманд бўлишмоқда. 2011 йили ушбу тўғарак аъзоси Лайло Орзиева Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибасига айланди. 2012 йили эса тўғарак аъзоси Ифтихор Хонхўжаевнинг «Уйғоқ юрак» номли илк шеърий тўплами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» фонди ҳисобидан 20 минг нусхада чоп этилди.

Карманалик ижодкорларнинг асарларидан ташкил топган мазкур мажмуа «Кармана овози» газетаси ку-

тубхонасидан» туркуми остида нашрга тайёрланганлиги ҳам ниҳоятда эътиборлидир. Ишонамизки, ушбу кутубхона янада бойийди ва халқимиз томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилинади.

Яқинда дўрманлик шоир Шойим Шерназарнинг «Чанқовуз» шеърий тўплами чоп этилиб, китобхонлар қўлига етиб борди. Шунингдек, тиббиёт фанлари номзоди, моҳир рентгенолог врач Иброҳим Ҳошимовнинг «Лўлилар дунёсига саёҳат» номли китоби нашрдан чиқарилиб, нафақат туманмиз, вилоятимиз, балки республикамиз миқёсида ҳам эътироф этилаяпти.

Барчангизни Карманамизнинг маънавий, адабий, тарихий хазинасини янада бойитишга қаратилган ушбу янги китоб билан самимий қутлайман. Бу мажмуа туманмизнинг адабий ҳаётида катта воқелик сифатида, бой маънавий меросимизни ўзида ифода этганлиги билан ҳам янада аҳамиятлидир. Бу китоб тез орада ўз ўқувчиларини топиб улгуришига, ижодкорларимиз эса яна янгидан янги асарлар яратиб, ҳозирги замон қаҳрамонлари қиёфасини ўз ижод намуналарида гавдалантиришига ишонаман. Карманалик қалам аҳлига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ижодий парвозлар тилайман.

Шарофиддин ИСМАТОВ,
Кармана тумани ҳокими

КАРМАННИНГ МАЪНАВИЙ ДУРДОНАЛАРИ

Ҳурматли ва азиз китобхон!

Қўлингиздаги китобни варақлаётиб қанчалар завқ-шавққа тўлиб-тошганингизни ҳис этиб турибмиз. Янги китоб қувончи кишига қанчалар хузур-халоват бағиш-лашини яхши биламиз. Янги ва яхши китоб – аслида бебаҳо байрам. Ушбу китоб ҳадя этган байрам Сизга муборақ бўлсин.

Биламизки, бу китоб Сиз учун ҳам ниҳоятда қадр-ли. Чунки унда Сизга юртдош, маҳалла ёки қишлоқ-дош бўлган ижодкорларнинг асарлари жамланган. Биринчи марта карманалик ижодкорларнинг асарлари тўпланиб, бежирим муқова остида чоп этилгани ҳаммамизга қувонч бағишлади.

Шу ўринда қадим Кармана ва карманаликлар тарихи тўғрисида мухтасар сўз. Қадим Бухоро ва Самарқандни неча-неча минг йиллардан буён бир-бирига боғлаб, улар ўртасида олтин кўприк вазифасини шараф билан бажариб келаётган бу қадим ва навқирон шаҳар ҳақида, унинг улкан ва қизиқарли тарихи, мустақиллик йилларида эришаётган беқиёс ютуқлари тўғрисида тарихчилар, ўлкашунос олимлар ва ижодкорлар озми-кўпми китоблар, мақолалар ёзганлар ва ҳамон бу долзарб мавзуда қалам тебратаётирлар. Шу маънода биз, ижодкорларнинг Кармана олдида ҳали узилмаган қарзларимиз кўп. Назаримда бу мўътабар мавзуда муҳтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов Навоий вилоят Кенгаши сессиясида энг тўғри ва оқилона фикрларни айтган: «Азиз биродарлар, барака топ-курлар, айтинглари, сизлар ҳар куни кўриб ва кезиб юрадиган Кармана шаҳрининг ёши нечада? Ёки Чўли Малиқдаги эски рабоб ва сардоба қачон пайдо бўлган? Сармиш дараси ва гориддаги ибтидоий суратлар бу ўлканинг энг қадимий маданият бешикларидан бири эканидан дарак бермайдими?..

Навойликлар фахр этса ва ўзгаларга кўз-кўз қилса арзийдиган нарсалар, буюк аждодларимиз ақлу-заковати билан бунёд этилган тарихий, маданий ёдгорликлар озми?

Бунинг қадрига етиш, таърифу тавсифини жой-жойига қўйиш, нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда тараннум этиш учун, энг аввало шу юрт фарзандларида чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинкам ихлос бўлиши керак, деб ўйлайман».

Қўлингиздаги китобдан ўрин олган асарлар ана шу «чин эътиқод, чин муҳаббат ва чинаккам ихлос»нинг юксак намуналари ҳисобланади. Юртбоши айтган мулоҳазалар карманалик ижодкорларнинг қалбларида ҳамиша нурли акс-садо бериб туради. Уларга муҳом илҳом бағишлайди.

Маърифатпарвар олим ва адиб Иброҳим Ғафуров ҳам Карманада бўлган ижодий учрашувлардан бирида: «Карманада худди хазинанинг устида юргандай бўламан», деган эди.

Устознинг бу таърифи ҳар бир карманалик ижодкорга фахр ва ғурур бағишлайди. Ҳақиқатан ҳам карманамиз бебаҳо хазиналарга бой. Бу қадим заминнинг ер ости ва ер усти бойликлари беҳисоб. Назаримда бу гўзал ва бетакрор заминнинг энг катта бойлиги унинг ижодкорлари, олимлари ва истеъдодли ёшларидир. Тарихий манбаларда ҳам Кармана олимлар, авлиёлар, шоиру фозиллар юрти, деб бежиз таърифланмаган. Бунга қанча-қанча Карманагийлар ўтганлиги мисол бўлади.

Ушбу китобдан ижод намуналари ўрин олган адиблар, шоирлар асарлари ҳам Кармана маънавий хазинасининг бебаҳо дурлари ҳисобланади. Бу китобда карманалик ижодкорларнинг адабий олами яратган тафаккур мевалари илк бор яхлит муқовага бирлаштиради. Шу маънода бу китоб – бир-бирига қалбан ва руҳан яқин, дунёқараши муштарак ижодкорларнинг асарларидан сараланган маънавий гулдастасидир. Бу

асарлар бир-бирини такрорламайди, аксинча жўшқин Зарафшон мисоли тўлдириб боради.

Китобни ўқиб чиққан ўқувчи жуда яхши англаб етадики, карманалик ижодкорлар ижод поездининг қўшимча вагонидан кетаётганлар сафида эмас, балки ўз ижод йўллари, ўз услуби ва машаққатли изланишлари билан катта адабиёт саҳнасидан ўз ўринларини топишга астойдил интилаётган истеъдодли қаламкашлардир. Улар адабиёт фақат ҳақиқий талант билан ёзилган асарлар ҳисобига бойиб борадиган бебаҳо хазина эканлигини яхши биладилар.

Китобдан ўрин олган таниқли ва ҳаваскор ёшларнинг ижод намуналарига баҳо беришга шошилмадик. Таниқли ижодкорлар алақачон ўз баҳоларини олганлар, уларнинг китоблари мутахассислар томонидан ижобий баҳоланган. Ёшлар эса ҳали шон-шуҳратнинг кетидан қувмай, машаққат ва ғайрат билан ижод қилишларини истардик. Улар учун ҳаммаси олдинда...

Ижодкорни элга қалам танитади. Қалам ушлаган ўша қўллари аввало истеъдодли, ҳалол ва тўғри бўлиши керак. Яхши асар амал, бойлик ёки бирор гуруҳ кучи билан ёзилмайди. Яхши асар қалам изларида олма гулидай очилади, буғдой донларидай тўлиқ бўлади. Барчамизга ижодининг ана шундай нурли излари ҳамиша ҳамроҳ бўлишини истардик.

Карманалик қаламкашлар ижоди шаффоф булоқларга ўхшайди. Кармана заминининг маънавий муҳотида кўз очаётган бу булоқлар ирмоқлар, дарёларга бирлашиб, адабиёт деб аталмиш улкан уммонга қўшилишига ишонамиз.

Азиз ўқувчи, қадрдон китобхон, қўлингиздаги ушбу китоб билан яна бир бор қутлаймиз. Китоб Сизнинг маънавий дўстингизга айланишига ишонамиз. Янги китоб қувончи яна бир бор муборак бўлсин!

Ашурали ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган журналист

БИРИНЧИ БЎЛИМ



Нурли манзиллар



*(Пойтахтда қалам тебратаётган
карманалик ижодкорлар)*



*Етти қат осмон сарҳадларига,
Инжа ёдномалар кетганди сингиб.
Шундан маишхур эди у Ер шарида,
Кармананинг Ерда кам эди тенги.*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/2319> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2319> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2319>